# МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ФОНДИНИ МУТТАСИЛ ОШИРИБ БОРИШ МАҚСАДИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ МЕЛИОРАЦИЯ ПРОГРАММАСИ, МЕЛИОРАЦИЯ ҚИЛИНГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

## *КПСС Марказий Комитети Пленумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. ТИХОНОВ доклади*

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненко ўзининг ёрқин, сермазмун нутқида социалистик экономиканинг етакчи секторларидан бири — қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини чуқур анализ қилиб, партия билан халқнинг навбатдаги вазифаларини ҳар томонлама асослаб берди.

Шу билан бирга у Пленумда муҳокама этилаётган масаланинг муҳимлигини алоҳида таъкидлади, мамлакат озиқ-овқат фондини муттасил ошириб бориш ишида мелиорациянинг ролини партиявий позициялардан туриб ёритиб берди. Константин Устинович нутқидаги қоида ва хулосалар барча партия, совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг КПСС XXVI съездида ишлаб чиқилган партия иқтисодий стратегиясини рўёбга чиқариш борасидаги амалий фаолиятида шубҳасиз қўлланма бўлиб қолади.

Аграр сиёсат КПСС иқтисодий стратегиясининг энг муҳим таркибий қисмидир. Унинг ҳозирги босқичи КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумида бошлаб берилган эди. У Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари ва партия съездларида янада ривожлантирилди. Мамлакатнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини қабул қилган Марказий Комитет 1982 йил май Пленуми бу соҳада алоҳида роль ўйнади.

Шу сиёсатни амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги ва умуман агросаноат комплексини ривожлантиришнинг кўпгина масалалари ҳал этилди. Молиявий ва моддий ресурсларни қайта тақсимлаш йўли билан унинг ишлаб чиқариш фондлари сифат жиҳатидан янгиланди ва кенгайтирилди. Кейинги тўрт беш йилликда (1966—1985 йиллар) шу мақсадларга 740 миллиард сўм чамаси капитал маблағ сарфланди.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин ўтган йиллар мобайнида жамоат қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 4,5 баравар кўпайди ва 300 миллиард сўмга яқинлашди. Меҳнатнинг энергия билан таъминланганлиги 3,6 баравар ортди. Қишлоққа юбориладиган минерал ўғит қарийб 4 баравар кўпайди. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг турмуш ва меҳнат шароитларида муҳим ўзгаришлар юз берди. Иш ҳақи ортди, жамоат фондидан тўловлар кўпайди. Қишлоқда уй-жой, маданий-маиший объектлар ва йўллар қуриш кенгайиб бормоқда, аҳоли пунктларини газлаштириш кўпаймоқда.

Партия экономиканинг аграр секторида ишлаб чиқариш кучларини орттириш борасида кўрган чоралар йиллик ўртача қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни еттинчи беш йилликдаги 83 миллиард сўмликдан ўнинчи беш йилликда 124 миллиард сўмликка қадар кўпайтиришга имкон берди, бултур эса 135 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Шунинг асосида совет кишиларини озиқ-овқат ва саноат хом ашёси билан таъминлаш яхшиланди.

Шу билан бирга партия Марказий Комитетининг Пленумларида айтиб ўтилганидек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ўстириш суръатлари ҳали ҳам ошиб бораётган эҳтиёжларга мос келмаётир. Бу нарса қишлоқ хўжалигининг, агросаноат комплекси барча тармоқларининг самарадорлигини тобора матонат билан ошириб бориш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифасини юклайди.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигимиз мураккаб иқлим шароитларида олиб борилаётганлигини назарда тутмаслик мумкин эмас. Бизда ҳайдаладиган ернинг 60 процентдан кўпи ва барча қишлоқ хўжалик ерларининг 70 процентга яқини қурғоқ районларда жойлашган. Ҳайдаладиган ерларнинг анча қисми намгарчилик районларидадир. РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси, Сибирь ва Узоқ Шарқда, Белоруссияда, Болтиқ бўйи республикаларида зах ерлар айниқса кўп.

Кейинги йилларда қурғоқчилик тобора тез-тез бўлиб турибди. Бунинг оқибатлари эса ғоят сезиларлидир. Ноқулай об-ҳаво шароитлари экин ҳосилдорлигини анча камайтириб юборади, дон, ем-хашак ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ялпи ҳосилида сезиларли ўзгаришлар вужудга келтиради. Масалан, ўнинчи беш йиллик мобайнида дон етиштиришдаги ўзгаришлар кўлами 58 миллион тоннага борди. Бу йилги қурғоқчилик ҳам анча зиён етказди.

КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини ҳамда Озиқ-овқат программаси қандай амалга оширилаётганлигини таҳлил этиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, бутун агросаноат комплексини янада ривожлантириш борасида узоқ муддатни кўзловчи катта кўламдаги қўшимча тадбирларни амалга оширишни зарур деб топдилар.

«Юксак даражада ривожланган, самарали ишлаб турган агросаноат комплекси халқ моддий фаровонлигини янада оширишнинг, мамлакат бутун халқ хўжалиги самарадорлигини ўстиришнинг зарур шартидир», —деб уқтириб ўтди Константин Устинович Черненко.

КПСС Марказий Комитети ва хукуматнинг мамлакат озиқ-овқат фондини муттасил кўпайтириб бориш мақсадида мелиорацияни янада ривожлантириш, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиққан чоралари мана шу тадбирлар орасида марказий ўринда турибди. Константин Устинович Черненконинг ташаббуси билан тузилган узоқ муддатли мелиорациялаш программаси ушбу Пленумнинг муҳокамасига қўйилмоқда.

Мамлакатда мелиорация ишини янада юксалтириш катта социал-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалигинигина эмас, шу билан бирга умуман экономикани ҳам мутаносиб ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир, деб бемалол айтиш мумкин.

Пленум қатнашчилари тайёрланган ҳужжат билан таниш бўлганликлари учун ҳам унинг баъзи, энг принципиал қоидалари хусусидагина тўхталиб ўтаман.

## I. Мелиорация соҳасидаги ишларнинг асосий якунлари ва янги вазифалар

Аввало партия Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумидан кейин ерларни мелиорациялаш соҳасида олиб борилган ишларнинг якунларига тўхталиб ўтаман. Маълумки, ўша Пленум шу муҳим проблемага бағишланган эди.

Партия Марказий Комитети ва ҳукумат мазкур Пленум белгилаб берган йўлга амал қилиб, мелиорация ишларини ривожлантириш, сув хўжалиги ташкилотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг катта масалаларини бир неча бор кўриб чиқдилар. Партия ва совет органлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотлари ,министрликлар ва идоралар ,совхоз ва колхозларнинг меҳнаткашлари партия ва ҳукумат мелиорацияни ривожлантириш борасида ишлаб чиққан тадбирларни амалга ошириш юзасидан катта ишлар қилдилар.

Марказий Комитетнинг 1966 йил май Пленумидан бошлаб ҳамда шу беш йилликда мелиорация мақсадларига 115 миллиард сўмга яқин капитал маблағ сарфланди. Ерларни мелиорациялаш борасидаги ишларни бажариш учун зарур ишлаб чиқариш базаси яратилди. Сув хўжалиги ташкилотлари ер қазийдиган машина-ускуналар, тракторлар, автомобиль транспорти, махсус машина ва механизмлар билан таъминланди.

Йиғма темир-бетон ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қувватлари 1966 йилги 1 миллион кубметрдан ҳозир 10 миллион кубметргача кўпайди. Машина ва механизмларни капитал ремонтдан чиқарадиган ихтисослашган корхоналар очилди. Янги конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Умумий йиллик сув ҳажми 12 миллиард кубметргача борадиган 118 та катта сув омбори қурилди. Ўнлаб каналлар реконструкция қилинди, фойдаланишга топширилди ва ҳозир қурилмоқда. Қорақум, Шимолий, Қрим, Иртиш—Қарағанда — Жезқазған, Днепр—Донбасс, Днепр—Кривой Рог каналлари, Катта Ставрополь канали, Саратов, Куйбишев, Қарши, Аму—Бухоро каналлари ва бошқа каналлар шулар жумласидандир. Суғориш тармоқларининг узунлиги 700 минг километрдан ошиб кетди. 5 мингтадан кўп насос станциялари қурилди ва 1,5 миллионга яқин ҳар хил гидротехника иншоотлари фойдаланишга топширилди.

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида, Волга бўйи, Сибирь, Узоқ Шарқда суғоришни ривожлантириш ва зах қочириш билан боғлиқ бир қанча катта-катта масалалар ҳам ҳал этилди. Краснодар ўлкасида, Астрахань областида, Амударё ва Сирдарё этакларида катта-катта шолипоя инженерлик системалари барпо этилди. Халқимиз Мирзачўл, Жиззах чўли ва Қарши чўлидаги ўзгаришлардан, Қорақум канали қурилиши, Кубань тўқайлари ва Украина билан Белоруссия полесьесидаги ботқоқ массивлар ўзлаштирилиши билан ҳақли равишда фахрланади.

Шу вақт ичида суғориладиган ва захи қочирилган ер майдонлари 17 миллион гектардан 33 миллион гектарга қадар кўпайди. Жаҳон практикасида бу қадар катта кўлам ва суръатли қурилиш ишлари ҳали бўлмаган. Эндиликда бизда мамлакатнинг қарийб барча асосий деҳқончилик районлари мелиорация қилинмоқда. Шу ерларда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш муттасил ортиб бормоқда. Бултур у 1965 йилдаги 6 миллиард ўрнига 16 миллиард сўмликдан ортиб кетди, шу ерлардан олинаётган маҳсулотнинг салмоғи уни етиштириш жами ҳажмида 20 процентдан 33 процентга қадар кўпайди.

Мелиорация қилинган ерларда ўртача йиллик дон етиштириш 1966 — 1970 йилларга нисбатан шу беш йилликда қарийб уч баравар кўпайди ва 1983 йилда 20 миллион тоннадан ошиб кетди, шу жумладан маккажўхори дони 4,5 миллион тоннага етди. Шоли етиштириш 1 миллион тоннадан бултур 2,6 миллион тоннага қадар кўпайди ва аҳолининг шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжи амалда тўла қондирилди. Пахтачилик муттасил ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда етиштирилган пахта 1965 йилги 5,7 миллион тонна ўрнига 9 миллион тоннадан ошиб кетди, чунончи етиштирилган ипак пахта қарийб 3 баравар ортди.

Ҳозир пахта ва шолининг ҳаммаси, сабзавотнинг 75 проценти, хўл мева ва узумнинг 50 процентга яқини, маккажўхори донининг 40 процентга яқини суғориладиган ва захи қочирилган ерларда етиштирилмоқда.

Мамлакатнинг бир қанча районларида мелиорация ем-хашак етиштиришни муттасил кўпайтириб бориш учун ҳам шарт-шароит яратишга имкон берди. Бултур суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан 37 миллион тоннага яқин ёки 1965 йилга нисбатан қарийб 6 баравар кўп ем-хашак олинди.

Ўртоқлар, Марказий Комитет 1966 йил май Пленуми қарорларини амалга ошириш борасида қилинган ишларнинг қисқача якунлари шундай. Бу ишларга муносиб баҳо бериш билан бирга шу муҳим ишлардаги мавжуд камчиликлардан кўз юмиб ўта олмаймиз.

Янгиланган ерларнинг етарлича самарали эмаслиги қатъиян барҳам беришимиз лозим бўлган жиддий камчилик ҳисобланади. Кўпгина хўжаликларда шу ерлардан ҳанузгача йўл қўйиб бўлмайдиган даражада кам ҳосил олиб келинмоқда.

Партия Марказий Комитети ва ҳукумат Озиқ-овқат программасини изчил амалга ошириб бориш манфаатлари йўлида мамлакатдаги мелиорация ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва деҳқончиликнинг барқарорлигини ошириш учун бу ишнинг потенциал имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланишни зарур деб ҳисоблайдилар.

Партия мелиорацияни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишни умумдавлат аҳамиятига молик энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Узоқ муддатли программада кўзда тутилган катта-катта тадбирлар мана шу вазифани ҳал этишга қаратилгандир. Бу тадбирларни амалга ошириш натижасида экин ҳосилдорлиги, дон, сабзавот, хўл мева, ем-хашак ялпи ҳосили анча кўпайиши лозим.

1990 йилга бориб, мелиорация қилинган ерлардаги ялпи дон ҳосилини 32 миллион тоннагача, 2000 йилга бориб эса 55— 60 миллион тоннагача, шу жумладан маккажўхори донини 18—20 миллион тоннага етказиш кўзда тутилади. Шу ерлардан 1990 йилда озуқа бирлигига айлантириб ҳисоблаганда 80 миллион тоннага яқин, 2000 йилда эса камида 115— 125 миллион тонна ем-хашак олиниши керак. Шу билан бирга беда ва бошқа дуккакли экин майдонларини мумкин қадар кўпроқ кенгайтириш кўзда тутилади. Бу нарса оқсил модда жиҳатидан ем-хашакни яхшироқ мутаносиб холга келтиришга имкон беради. Суғориладиган ва захи қочирилган ерларда сабзавот ва эртаги картошка етиштириш 1990 йилга бориб катта-катта шаҳарлар ва саноат марказлари аҳолисининг эҳтиёжларини тўла қондириш учун зарур миқдорга етади. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжонда ҳосилдорликни ошириш ва суғориладиган катта-катта массивларни комплекс равишда ўзлаштириб бориш ҳисобига пахта етиштириш кўпаяди.

Программада катта-катта вазифалар қўйилганлигини кўриб турибмиз. Уларни амалга ошириш партия, совет ва хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари, қишлоқ хўжалиги олимлари ва мутахассислари, бошқа соҳаларнинг ходимлари актив ишлашини, мелиорация ишларини ривожлантиришнинг етилган масалаларини ҳал этишга янгича ёндашишни талаб қилади.

## II. Мелиорация қилинган ерлардан самаралироқ фойдаланайлик

КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат мелиорацияга оид программани ишлаб чиқар эканлар, энг аввало мавжуд ерлардан фойдаланишни тубдан яхшилаш, фойдаланилаётган суғорма ва захи қочирилган майдонлардан яқин йиллардаёқ мўл ҳосил олиш, экинзорлар ҳосилдорлигини ошириш заруратини назарда тутдилар.

Айтиб ўтганимдек, лойиҳада белгиланган ҳосилдорликка эришиш учун кураш кўпгина қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар фаолиятида ҳали бош вазифа бўлиб қолгани йўқ. Бир қанча жойларда суғорма ерлардаги ҳосилдорлик амалда лалми ерлардан олинаётган ҳосил даражасида бўлмоқда.

Ҳатто барпо этилишига кўп миллионлаб сўм маблағ сарфланган бир қанча йирик суғориш системаларида ҳосилдорлик йўл қўйиб бўлмайдиган даражада пастлигича қолмоқда. Масалан, Катта Волгоград суғориш системасида ўтган йили ҳар гектар ердан лойиҳада кўзда тутилган 38 центнер ўрнига атиги 19 центнердан дон олинди, силос учун маккажўхоридан 400 центнер ўрнига 160 центнердан, кўп йиллик ўтлардан гектаридан 100 центнер ўрнига 69 центнердан ҳосил олинди. Заволжье, Палласовка ва бошқа бир қанча суғориш системаларида ҳам аҳвол худди шундай.

Ҳосилдорликнинг пастлиги, одатдагидек, хўжасизлик, индустриал технологияни, қишлоқ хўжалик экинларининг серҳосил навлари ва гибридларини суст жорий этиш, минерал ўғит ва техникадан яхши фойдаланмаслик, суғорма ерларда экинларни суғоришни қониқарсиз ташкил этиш натижасидир.

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш тўғрисида гапириб ўтишни истардим. Кейинги ўн йил давомида бу ерда ерларнинг захини қочириш борасида анчагина ишлар амалга оширилди, катта-катта капитал маблағлар ўзлаштирилди. Зонада мелиорациялаш асосида донли ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олишга, чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга эришган кўпгина хўжаликлар бор.

Шу билан бирга биз Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришга оид тадбирларни амалга оширишдаги мавжуд қолоқликни ҳам пайқамай қололмаймиз. Айрим областларда сув хўжалиги қурилишида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда, маданий-техникавий ишлар паст суръатларда олиб борилмоқда, тармоқларни ремонт қилиш ўз вақтида ўтказилмаяпти, захи қочирилган майдонларга етарли даражада минерал ва органик ўғит солинмаяпти. Нордон тупроқни оҳаклаш масалалари яхши ҳал этилмаяпти.

Натижада қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва маҳсулот етиштириш суст кўпаймоқда. Хўжаликларнинг бешдан бир қисми донли экинларнинг ҳар гектаридан 12 центнергача ҳосил олмоқда.

Псков, Кострома, Новгород, Калинин, Горький, Иваново ва бошқа бир қанча областларда мелиоратив ҳолати яхшиланган ерлардан дуруст фойдаланилмаяпти. РСФСР Министрлар Совети, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари, иттифоқ ва республика министрликлари ҳамда агросаноат комплексига кирувчи идоралар ана шу камчиликларни, аввало янгиланган ерлардан фойдаланишдаги камчиликларни бартараф этиш учун барча чораларни кўришлари керак. Шу тариқа Ноқоратупроқ зона хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулоти барча турларини етиштириш юзасидан Озиқ-овқат программасида белгиланган миқдорга эришишни таъминлаш керак. Мелиорация қурилишини ривожлантиришни хўжаликларда материал техника базаси ва социал инфраструктурани мустаҳкамлаш билан боғлаб олиб бориш зарур.

Илгари айтиб ўтилганидек, Ўрта Осиё республикаларида ерларни суғоришга оид катта иш амалга оширилмоқда. Давлат мазкур регионда сув хўжалиги қурилишига ва янги ерларни ўзлаштиришга анчагина маблағ ажратмоқда. Суғориладиган ерлар майдони салкам 7 миллион гектарни ташкил этади. Ана шу майдонларнинг ҳосилдорлиги ҳам ўсмоқда. Бироқ бу ерда ҳам вужудга келтирилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Хўжаликларнинг қарийб бешдан бир қисми гектаридан 20 центнердан кам пахта йиғиштириб олмоқда, колхоз ва совхозларнинг тўртдан бир қисми гектаридан 30 центнергача дон ва ҳар икки хўжаликдан бири 150 центнердан кам сабзавот йиғиштириб олмоқда. Буларнинг ҳаммаси экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига ҳали етарли даражада эътибор берилмаётганлигидан, деҳқончиликнинг илмий асосланган зонал системалари суст жорий этилаётганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам бу ерда сарфланаётган маблағлар самарадорлигини ошириш соҳасида катта ишларни бажариш зарурдир.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, маҳаллий партия ва совет органлари суғориладиган ва захи қочирилган ерларда лойиҳада белгиланган ҳосилдорликка эришибгина қолмай, шу билан бирга ундан ошириб ҳосил олишга эришган илғор хўжаликлар, бригада ва звеноларнинг тажрибасини янада кенгроқ ёйиш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари зарур. Мамлакатнинг барча зоналарида ана шундай тажриба мавжуд.

Мисол учун, Херсон область Белозерка районидаги Киров номли колхозни олиб кўрайлик. Колхозда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дмитрий Константинович Моторний раислик қилади. Хўжалик илм-фан тавсия этган агротехника ва мелиорация тадбирлари бутун комплексини қўлланиш асосида кейинги ўн йил ичида ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда йилига 63 центнер кузги буғдой, 620 центнер силос учун маккажўхори, 117 центнер беда пичани ва 400 центнер кўп ем-хашак йиғиштириб олди.

Яна бошқа бир мисол. Қрим область Нижнегорск районидаги Крупская номли колхозда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Иванович Черфас раислик қилади. Хўжалик илм-фан ва илғор тажриба ютуқларини актив жорий этиб, йил сайин суғорма майдонларда дон етиштиришни кўпайтирмоқда. Агар еттинчи беш йилликда бу ерда ҳар гектар майдондан 18 центнердан дон олинган бўлса, саккизинчи беш йилликда 34 центнер, тўққизинчи беш йилликда 42 центнер, ўнинчи беш йилликда 54 центнердан, ўн биринчи беш йилликнинг уч йили давомида эса гектаридан 57 центнердан дон йиғиштириб олди.

Ўртоқлар, бу — ажойиб меҳнат намуналаридир. Суғорма ерларда иш олиб бораётган барча колхоз ва совхозлар ана шу хўжаликларга тенглашишлари керак. Барча колхоз ва совхозларни илғорлар даражасига олиб чиқиш (ҳозирги вақтда ҳамма жойда шундай имкониятлар бор) қўшимча равишда мамлакатга зарур бўлган катта миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотини олиш демакдир.

Программада мелиорация қилинган ерлардан фойдаланишни яхшилаш вазифаси қўйилган. Шу беш йилликда турли сабабларга кўра мамлакатда йилига ўрта ҳисобда бир ярим миллион гектардан ортиқ суғориладиган ердан фойдаланилмаган ва бу ерлар сув билан таъминланмаган. Мелиорация қилинган анчагина майдонлар сифат жиҳатидан яхшилашга, суғориш ва қуритиш системалари реконструкция қилишга муҳтождир. Ҳар бир гектар суғориладиган ва захи қочирилган ер дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга тўла хизмат қилиши учун ана шу ишларни амалга оширишни жадаллаштириш лозим. Бизда тубдан ва қисман яхшиланишни талаб қилаётган табиий ўтлоқлар ва яйловлар анчагина. Бу ишлар унча қимматга тушмайди, бажарилиши ҳам қийин эмас ва айни вақтда ғоят самаралидир. Бундай ишлар ўтлоқлар ҳосилдорлигини 1,5—2 баравар ошириш имконини беради. Узоқ муддатли программада маданий-техникавий ишлар ҳажмини анча кўпайтириш белгиланади. Ўн иккинчи беш йилликда 8 миллион гектардан ортиқ майдонда ана шундай ишлар амалга оширилади. Бунинг учун сув хўжалиги ташкилотларинингина эмас, шу билан бирга сельхозтехника, сельхозхимия корхоналари ҳамда колхоз ва совхозларнинг ўз имкониятларидан фойдаланилиши зарур.

Экин майдонларининг структураси ҳам такомиллаштиришга муҳтождир. Суғориладиган ерларнинг анча қисмини дон учун маккажўхори экишга ажратиш керак. Ўтган йили суғориладиган майдонларнинг атиги 6 процентига маккажўхори экилди. Бу жуда кам. Энг аввало Россиянинг жанубий ва жануби-шарқий районларида, Украина ва Молдавияда дон учун маккажўхори экиладиган майдонларни кенгайтириш имконияти мавжуд. Ўрта Осиё, Қозоғистон, Закавказье республикалари хўжаликларида суғориладиган ерларда маккажўхори етиштиришни анча ривожлантириш зарур.

Мамлакатнинг ҳар бир регионида таҳлил асосида экинларнинг энг мақбул структурасини белгилаб қўйиш керак.

Программада донли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва ялпи ҳосилини кўпайтириш мақсадида индустриал технологияларни жорий этишни ва қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг программалаштирилган усулига ўтишни жадаллаштириш кўзда тутилади.

Такрорий, анғиз, оралиқ ва аралаш экинлардан янада кенгроқ фойдаланишни таъминлаш зарур. Ҳозирги пайтда ана шу экинлар 500 минг гектардан сал ортиқроқ майдонга ёки суғориладиган майдонларнинг 3,5 процентига экилган. Бундай экинлар майдонини Ўрта Осиё хўжаликларида, РСФСРнинг жанубий областларида, Украина, Грузия, Озарбайжон, Молдавияда анча кўпайтириш мумкин. Ана шу резервдан янада тўлароқ фойдаланиш ем-хашак ва ёрма экинлар етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради.

Маълумки суғориладиган ва захи қочирилган ерлар ўғитни айниқса ёқтиради. Бироқ ҳосилдорликни оширишнинг бундай омилидан ҳали тўла даражада фойдаланилмаяпти. Ўтган йили ҳар бир гектар суғориладиган ерга атиги 250 килограмм ўғит солинганлиги билан қаноатланиб бўлмайди. Бу эса нормада талаб қилинганидан 25-30 процент оз. Захи қочирилган ерларга кам ўғит солинмоқда. Айни вақтда республикалар ва областлар ихтиёрида бўлган ресурслар суғориладиган ва захи қочирилган ерларни минерал ўғит билан тўла таъминлаш имконини беради.

Ўғит етишмайди, деб ҳар қандай баҳоналар топишга чек қўйиш керак, ўртоқлар. Биз яхшиланган ерларни тўлиқ нормада минерал ва органик ўғит билан таъминлашимиз зарур ва таъминлай оламиз. Агрохимия хизматини, илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини жиддий даражада яхшилашимиз, хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассисларининг минерал ва органик ўғитлардан, шунингдек ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан тўғри фойдаланиш ва уларнинг юксак самара бериши учун масъулиятини оширишимиз лозим.

Кичик кўламда суғориш негизида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилини оширишнинг каттагина резервлари вужудга келтирилди. Практика шуни кўрсатадики, маҳаллий сув оқимидан ва ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига қўшимча равишда анчагина қишлоқ хўжалик майдонларини суғориш мумкин. Шимолий Кавказ, Поволжье, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа республикаларнинг хўжаликларида ерларни суғориш учун кичик-кичик ҳовузлар ва сув омборлари қуриш тажрибаси кенг ёйишга лойиқдир. Донецк областининг Марьинск районида маҳаллий сув оқими ва ер ости манбаларидан фойдаланиш йўли билан 15 минг гектарга яқин ер суғорилмоқда. Район ана шу майдондан мўл сабзавот ва озуқа экинлари йиғиштириб олмоқда. Бизлар лиман усулида суғоришдан ҳам тўлароқ фойдаланишимиз лозим. Суғоришнинг бундай усули ем-хашак етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир.

Бизлар вужудга келтирилган мелиорация фондидан фойдаланиш тўғрисида гапирар эканмиз, бугун Сув хўжалиги министрлиги, Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳамда Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги шаънига жиддий танқидий мулоҳазалар билдиришимиз керак. Васильев, Месяц, Козлов ўртоқлар давлат ажратиб бераётган катта-катта молиявий ва моддий ресурслар юксак самара бериши учун янада қатъият ва зўр ғайрат билан кураш олиб боришлари, ҳар қандай хўжасизлик фактларининг пайини қатъият билан қирқишлари зарур. Ерларни мелиорациялашни янада ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш программасида ўртага қўйилган вазифалар мазкур министрликларнинг ташкилотчилик ишларини яхшилашни, уларнинг топширилган иш участкаси учун, партия ва ҳукумат қарорлари бажарилиши учун юксак масъулият билан ишлашини талаб қилади.

Мелиорация қилинган ерлар ҳосилдорлигини янада ошириш ва программада белгиланган марраларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари, хўжаликлар ва ерлардан фойдаланиш хизматининг ўзаро муносабатини такомиллаштириш зарур.

Ҳозирги вақтда бизда қандай аҳвол вужудга келган? Айтиб ўтилганидек, давлат ҳар йили сув хўжалиги қурилишига, маданий-техникавий ишлар ўтказишга жуда катта молиявий ва моддий ресурслар ажратмоқда. Ҳар бир гектар суғориладиган ерни фойдаланишга топшириш уни ўзлаштириш учун сарфланган харажатлар билан бирга ўрта ҳисобда қарийб 5 минг сўмга тушади. Айни вақтда қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотларининг, колхозлар ва совхозларнинг ана шу ерлардан фойдаланиш учун масъулияти камайтирилган. Бу нимага олиб келишини биз яхши биламиз. Ҳар йили ўн минглаб гектар суғориладиган ва захи қочирилган ерлар фойдаланилмай қолмоқда. Ана шу ерларнинг анча қисми яроқсиз бўлиб қолмоқда. Бу ерларни яроқли қилиш учун кўп маблағ ва материал ресурслари сарфлашга тўғри келади, бу эса, табиийки, маҳсулот таннархининг ўсишига олиб боради.

Хўжаликлар ва меҳнат коллективларининг раҳбарлари мелиорация қилинган ерлардан самарали фойдаланиш учун иқтисодий ва маънавий жиҳатдан масъул ҳамда манфаатдор бўлишларини кучайтириш масаласини турмушнинг ўзи ўртага қўймоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиш борасида колхоз ва совхозлар, сув хўжалиги ташкилотлари, ердан фойдаланувчилар ва район агросаноат бирлашмалари ўртасида аниқ шартнома мажбуриятлари бўлиши кераклигини мақбул, деб топдилар.

Сув хўжалиги ташкилотлари, сельхозхимия ва сельхозтехника корхоналари мелиорация системалари билан суғориш машина-ускуналарини тузук ҳолатда сақлашни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олиб, минерал ўғит ва ўсимликни ҳимоя этиш воситаларини энг мақбул муддатларда ва зарур миқдорда солиб туришлари кераклиги кўзда тутилади.

Хўжаликлар эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган муддатда планда, сўнгра эса лойиҳада кўрсатилган ҳосилдорликка эришишни таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг тегишли даражага етказилишини таъминлаш мажбуриятини оладилар. Улар шуни таъминлагач, ходимларни иқтисодий ва моддий рағбатлантириш фондларини яратиш учун каттагина пул ажратиш, чунончи етарлича кўп миқдорда пул ажратиш имкониятига эга бўлади. Хўжаликлар зиммаларидаги мажбуриятларини бажармай, агротехника тадбирлари комплексини бузса, ишларни тузук ташкил этмай бунинг натижасида маҳсулот етказишда камомад юз берса, у ҳолда жиддий моддий жавобгарликка тортилади. Сув хўжалиги ташкилотлари, шунингдек сельхозтехника ва сельхозхимия корхоналари зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаган тақдирда уларга нисбатан ҳам муайян иқтисодий чоралар кўрилади.

Мажбуриятлар ҳам, масъулият ҳам икки томонлама эканлигини кўриб турибмиз. Бизнинг фикримизча, бу — ишга адолатли қарашдир, ўртоқлар. Бу тадбирлар социалистик хўжалик юритиш принципларига мувофиқ келади, қишлоқда хўжалик ҳисобини мустаҳкамлайди. Шартномаларга асосланган бундай муносабатларни кучайтириш суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланишдаги эгасизликка барҳам бериб, уларнинг самарадорлигини анча оширади.

Яна бир масала. Бу ерда гап колхоз ва совхозларнинг хўжалик ички суғориш ва зах қочириш системаларини сув хўжалиги ташкилотлари балансига ўтказиш тўғрисида бораётир.

Ҳозирги вақтда хўжалик ички мелиорация фондларининг қиммати 20 миллиард сўмга боради, 1990 йилда эса 34 миллиард сўмга етади. Кўпчилик районларда хўжалик ички суғориш ва зах қочириш тармоқлари колхоз ва совхозларнинг балансида туради. Хўжаликларда зарур машина-ускуна ҳамда юқори малакали мутахассислар йўқлиги шу тармоқларни техника жиҳатидан тегишли даражада бўлишига имкон бермайди. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, маҳаллий партия ва совет органлари шу системаларни сув хўжалигидан фойдаланувчи ташкилотларнинг балансига ўтказиш тўғрисида таклиф киритдилар.

КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат шу масалани кўриб чиқиб, ўн иккинчи беш йилликда хўжалик ички суғориш, зах қочириш ва коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда улардаги иншоотларни колхоз ва совхозлар балансидан (розиликларига қараб) сув хўжалиги ташкилотларининг балансига ўтказиш, уларга қараб туриш ва ремонт қилиш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 30 процент миқдорида ва хўжаликларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 70 процент миқдорида пул ажратиш зарур, деб топдилар.

Шу билан бирга партия ва ҳукуматнинг бундан аввалги айрим қарорларига мувофиқ РСФСР Ноқоратупроқ зонаси, Грузия ССРдаги Колхида пастлиги, Узоқ Шарқ иқтисодий райони, Олтой, Краснодар, Ставрополь ўлкалари ва Доғистон АССРдаги паст рентабелли ва зиён кўрадиган хўжаликларнинг ички мелиоратив системаларига қараб туриш ва уларни ремонт қилишга пул ажратиш тартибини ана шу йилларда ҳам сақлаб қолиш назарда тутилади.

Колхоз ва совхозлар хўжалик ички суғориш ва зах қочириш тармоқларини сув хўжалиги ташкилотлари балансига ўтказиш шу тармоқларни ишлатишни яхшилашга, мелиорация қилинган ерларда етиштирилувчи экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатади.

Колхоз ва совхозларда ёмғирлаш машиналаридан фойдаланишни яхшилаш борасида ҳам дарҳол чоралар кўриш зарур. Хўжаликларда бундай машиналар кўпайиб бормоқда, аммо ихтисослашган ташкилотларнинг шу агрегатларга хизмат қилиб туришлари ҳозирча тегишли даражада йўлга қўйилмаган. Натижада далалар ҳатто сувга ғоятда чанқоқ бўлган пайтларда ҳам минглаб машиналар ишламаяпти. Госкомсельхозтехника ва Кемасозлик саноати министрлиги суғориладиган ва захи қочирилган ерларда ишлаётган ёмғирлаш машиналари ва механизмларига кўрсатиладиган хизматни анча яхшилаб, бунинг учун тўла жавобгар бўлишлари керак.

Шундай қилиб, ўртоқлар, мелиорация қилинган ерлардаги ишларни ташкил этишни яхшилаш Сув хўжалиги министрлигининг суғориш ва зах қочириш системаларини сифатли қуриб, уларни ўз вақ-

(Давоми учинчи бетда).

